

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 201 (11.262)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ  
Янгиликлар, воқеалар

## Кеча сатрларда

- **КЕЧА** Миробод туманида бунёд этилган янги академик лицей туман ёшлари ихтиёрига топширилди. Тошкент Темирийул муҳандислари институти қошидаги ушбу академик лицейда темирийул тармоғини ривожлантириш мақсадида малакали кадрлар тайёрланади.
- **КЕЧА** Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси ташаббуси билан Халқаро архитекторлар кунига бағишлаб ёш меъморлар иштирокида уюштирилган кўрик-танлов «Олтин устун» деб номланди.
- **КЕЧА** Собир Раҳимов туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги, туман ИИБ, туман прокуратураси, «Маҳалла» жағфармасининг туман бўлими ҳамкорликларида маънавий-маърифий ишлари янада жонлантириш, ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларнинг диний ақидагарастлик ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш чораларига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди.
- **ЧИЛОНЗОР** туман ҳокимлигида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан тadbиркорлар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган семинар-тренинг тadbиркорлик субъектларини ривожлантириш масалаларига бағишланди.
- **АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Иқтисодий таълим: минтақавий марказларни ривожлантириш» деб номланган монографиянинг тақдими ўтказилди. Шунингдек, тadbир катнашчиларига «Мовароуннаҳр» нашриётида chop этилган «Ҳазрати имом» китоби ҳам таъинирилди.
- **РЕСПУБЛИКА** санитария-эпидемиология назорати маркази ташаббуси билан аҳоли ўртасида юқумли респиратор хасталикларни, хусусан грипп касаллиги тарқалишининг олдини олиш чораларига бағишлаб ўтказилган тadbирда шифокорлар иштирок этишди.
- **КЕЧА** Ҳамза туманидаги 161- мактабда туман халқ таълими бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликда «Сен кўча ҳаракати хавфсизлиги қоридларини биласанми?» мавзуда уюштирилган кўрик-танловда 5,6-синфлар ўқувчилари беллашди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



**МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЈЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ НАТИЖАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ХОРИЖИЙ ВА ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН РАҚОБАТБАРДОШ ВА ЭКСПОРТБОП МАХСУЛОТЛАР НАФАҚАТ ИЧКИ, БАЛКИ ЖАҲОН БОЗОРИДА ҲАМ ЎЗ ХАРИДОРИНИ ТОПМОҚДА.**

## Хорижий инвестициялар — иқтисодиётга

### МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

Айниқса, маҳаллий хом ашё — пахтадан қайта ишлаш асосида замонавий техника қуввати билан самарали фойдаланиб, илгори технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари сифати, четдан келтирилмайдиган шундай товарлардан бирмунча арзонлиги ва экспортга йўналтирилганлиги билан ақрабли туради.

Пойтахтимизда фаолият бошлаган «Байпақ» хорижий корхонаси ҳам пахта хом ашёсидан калава ип тайёрлашга ихтисослаштирилган бўлиб, унга Туркиянинг «Ваха текстиль тижарет» фирмаси таъсисчи саналади. Корхонани замонавий технологиялар билан жиҳозлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида 300 минг АҚШ доллари миқдорда тўғридан тўғри инвестиция киритилди.



Ана шу сармоя ҳисобига Германиядан юксак умумий ускуналар келтирилиб, цехлар жиҳозланди.

Мазкур технологик линияларда корхонада ойига 150 тонна пахтадан қайта ишлаш қуввати мавжуд бўлиб, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 1800 тоннани ташкил этади. Корхона цехларида барча ишлар, яъни пахтадан калава ип тайёрлашга гача бўлган юқори технологик жараён автоматик тарзда амалга оширилади. Шу боис ҳам бу ерда кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор билан ёндошилди. Корхона ишга тушгунга қадар 200 нафардан зиёд йигит-қиз касбга тайёрланди ва бугунги кунда муваффақият билан дастгоҳларни бошқариб, сифатли калава ип тайёрлашга эришилмоқда.

Цехларда тайёр бўлган кала-

ва иплар «Байтекс тижарет» хорижий корхонасига етказиб берилади. Мазкур корхонада эса ушбу хом ашёга ранг берилади, ранг-баранг матолар ва тайёр кийим-кечаклар тайёрланади.

«Байпақ»да йил охиригача ишлаб чиқариш жараёнини янада кенгайтириш, калава ип тайёрлаш ҳажмини ошириш режалаштирилган бўлиб, шу асосда яна 150 нафар киши иш билан таъминланиши кўзда тутилган. Энг муҳими эса маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш натижасида юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга интилиш, тўқимачилик саноати ривожига муносиб ҳисса қўшишдир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
СУРАТЛАРДА: корхонада меҳнат қилаётган малакали кадрлар сифатли калава ип тайёрлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

## КЕЧА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯСИНING ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИРДА ТЕГИШЛИ ТУМАН КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МУТАСАДДИ ВАКИЛЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Мамлакатимизда сайлов кампанияси бошланди. Шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларига ваколат муддатлари тугаши муносабати билан барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органларида сайловлар ўтказилади. Айни пайтда, жойларда тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда. Вилоят, туман ва шаҳарлар миқёсида ташкил этилган тегишли комиссиялар сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга доир ўзларига юклатилган вазифаларни амалга оширишга киришишган.

Авалги сайлов кампаниялари каби, бу йилги фуқаролар йиғинларига сайлов жараёнининг шубҳасиз, қонунчилик талабларига мувофиқ, энг муҳими — мамлакатимизда демократик жараёнларнинг ёрқин ифодаси сифатида ўтказилиши кўтирилмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда, йилнинг кайд этилганидек, бу борада энг катта масъулият жойларда тузилмаган

## Фуқаролар йиғинларига сайлов

### ЖОЙЛАРДА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

Шаҳар Кенгаши комиссиясининг йиғилишида таъкидлаб ўтилганидек, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга сайлов тadbирлари, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни ўтказишда мамлакатимизда етарли тажриба орттирилган. Бу борада зарур қонунчилик-меъёрий негиз шакллантирилган. Фуқаролар йиғинларига сайловлар ўтказилиши авваламбор Асосий Қимусимизда белгиланган. БевоСИта ушбу ноёб фуқаролик институти фаолиятига оид «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оксколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлов тўғрисида»-ги Қонунлар амалда ўз ифодасини топмоқда. Шу билан бирга замон талабидан келиб чиққан ҳолда ушбу йўналишдаги ишлари янада такомиллаштириш, ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органлари фаолиятини фаоллаштириш, маҳалланинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини оширишга йўналтирилган бир қатор меъёрий ҳужжатлар ҳам амал қилмоқда. Шубҳасиз, фуқаролар йиғинларига навбатдаги сайловни ўтказиш хусусидаги қарорнинг парламент даражасида, жумладан, Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан қабул қилиниши ҳам бугунги кунда маҳалланинг аҳамияти ва мижоияти тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.

маҳсул ишчи гуруҳлари зиммасига юклатилаётган. Ишчи гуруҳлари ҳар бир маҳалла миқёсида мустақил тузилма қурилишида фаолият асосида ваколатига эга бўлади. Уларнинг асосий вазифаси — амалдаги фуқаролар йиғинлари ёки бўлажак оқсоқолликка номзодлар ва уларнинг маслаҳатчилари номфатини кўзлаб эмас, балки аҳолининг истак ва талабларидан келиб чиқиб сайловни ташкил этишдир. Чунки, сайловчилар орасидан сайловда иштирок этиш учун муносиб вакилни сайлаш жараёни муҳим аҳамият касб этади. Шаҳар комиссияси раиси Мирзаюсуф Рустамбоевнинг таъкидлашича, аҳоли фикрини ўрганган ҳолда оқсоқолликка номзодларни танлаш эса ишчи гуруҳларнинг сай-харакатларига боғлиқдир, қолаверса номзодликка кимлар кўрсатилганига қараб бевоСИта сайлов жараёни қандай ўтишини баҳолаш мумкин бўлади... Номзод паспортда кўрсатилган манзил бўйича маҳалла ҳудудида доимо истикомат қилиши, аҳоли орасида обрў-эътиборли, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий йўналишлардаги ислохотлардан хабардор бўлиб, уларни таҳлил қилиб, жойларда татбиқ этиш

қобилиятига ага шахс бўлмоғи лозим.

Сайловларга тайёргарлик жараёнларини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳолининг сайлов ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид кўникмаларини ошириб бориш борасида оммавий аxbорот воситаларининг ўрни алоҳидадир. Йилги маҳаллий матбуот, телевидение ва радио тахриратлари томонидан алоҳида медиа-режа ишлаб чиқилгани юзасидан аxbорот берилди. Жумладан, шаҳар «Оқшом» газеталарида сайлов кампаниясига бағишланган алоҳида рунлар ташкил этилган. Газетхонлар тақдидан келиб чиққан ҳолда «Фуқаролар йиғинларига сайловлар: савол-жавоб» сарлавҳаси остидаги туркум мақолалар «Оқшом» саҳифаларидан доимий ўрин олади. Газетхонлар саволларига шарҳлар шаҳар ва туман комиссиялари раҳбарлари, жойлардаги ишчи гуруҳлари, мутасадди шахслар томонидан бериб берилади. Дарвоқе, Тошкент Давлат юридик институти томонидан «Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлов тўғрисида»-ги Қонун моддаларига шарҳлар рисолати, шунингдек, Олий Мажлис юқори палатаси томонидан тайёрланган тегишли услубий қўлланмаларнинг жойлардаги комиссиялар ва ишчи гуруҳларига етказилгани барча мутасаддилар фаолияти қонун доирасида ва самарали ташкил этилишига хизмат қилиши шубҳасиз. Шу мақсадларда шаҳар ва туманлар миқёсида ўқув семинарлари ҳам ўтказилиши кўтилмоқда.

Йилги маҳалла шаҳар комиссиясининг иш режаси тасдиқланди. Шунингдек, жойларда ишчи гуруҳларини тузиш юзасидан Мирзо Улуғбек ва Собир Раҳимов туманлари комиссияларининг аxbоротлари тингланди. Қайд этилган ва бошқа туманларда олиб борилаётган ишлардан келиб чиққан ҳолда, жойларда ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш, сайлов ўтадиган манзилларни об-ҳаво шароитини инобатга олиб танлаш ва бу борада аҳоли учун зарур қулайликларни яратиш масалалари юзасидан тавсиялар берилди.

**Ильмира ЗАЙНУДИНОВА**

## ТОШКЕНТДА «STYLE.UZ-2008» ДИЗАЙН ВА МОДА ҲАФТАЛИГИ ОЧИЛДИ

ШУ КУНЛАРДА ТОШКЕНТ ЖАҲОН МОДА САНЪАТИНИНГ ПОЙТАХТИГА АЙЛАНДИ. БУ ЕРДА 12 ОКТЯБРЬ КҮНИ «STYLE.UZ-2008» ДИЗАЙН ВА МОДА ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ. УШБУ ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОНДА УЧ ЙИЛДАН БҒЕН МУНТАЗАМ ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА. «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМГАРМАСИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ЛИБОССЛАР УЙИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР ҲАФТАЛИКДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ДУНЁНИНГ ГЕРМАНИЯ, ХИНДИСТОН, ИТАЛИЯ, ХИТОЙ, ЛАТВИЯ, РОССИЯ, ФРАНЦИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ, ЯПОНИЯ, АВСТРИЯ ВА ИСРОИЛ КАБИ ДАВЛАТЛАРИДАН МОДА СОҲАСИДА ИШЛАЁТГАН ТАНИҚЛИ ДИЗАЙНЕРЛАР, МАШҲУР ЗАРГАРЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ ЛИБОССЛАР УЙЛАРИ ЭГАЛАРИ, ЙИРИК ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ТЕЛЕКОМПАНИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ, ШОУ-БИЗНЕС ЮЛДУЗЛАРИ, ХАЛҚАРО МОДА ЖУРНАЛЛАРИ МУҲАРРИРЛАРИ, ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ ТАШРИФ БУЮРДИ.

Ўзбекистонда санъатнинг барча турларини ривожлантиришга давлатимиз раҳбари томонидан доимий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда халқ хунармандчилигини қайта тиклаш, бадий ижодиётнинг анъанавий ва замонавий услубларини ривожлантиришга қаратилган чора-тadbирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ижодкор ёшларга ўз иқтидор ва қобилиятини намойиш этиши учун барча қулай шарт-шароит яратилгани катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борада ишлар қўламини янада кенгайтириш.

«Style.Uz-2008» ҳафталигини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда миллий ва замонавий мода, у билан боғлиқ саноатни янада ривожлантириш, газламалар, жиҳозлар ишлаб чиқариш, заргарлик санъати билан шуғулланмайдиган ёш дизайнерлар ва ижодкорлар сулоаларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Бироқ, етакчи хорижий эксперт ва мутахассисларнинг фикрига кўра ҳамда амалиёт шуни кўрсатадики, тadbир бу билан чекланмайди, балки янада кенг қўламини миссияни бажаради. У фақат мода байрами бўлиб қолмасдан, маданият ва санъат соҳасида муҳим воқеага айланади.

(Давоми 3-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Самарқанд шаҳрида Президентимизнинг шу йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тadbирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан «Инсоний кадр-қиммат — барча учун» мавзусида семинар бўлиб ўтди.
- 2008 йил 27 октябрь — 1 ноябрь кунлари Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» кўргазма павильонларида Республика Саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси бўлиб ўтади.
- Фаргона вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида йигитларни мударли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими ўтказилди. Унда ҳарбийлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.
- «Кўқонмебель» масъулияти чекланган жамияти қошида пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда бир кунда 500 жуфтгача махсус пойабзал тайёрланаётган бўлиб, металлургия комбинатлари ва қурилиш ташкилотларидан унга кўплаб буюртмалар тушмоқда. 80 га яқин ўсимирлар ва қизлар янги корхонага ишга жойлаштиришди.
- Нукус шаҳри аэропортида Россиянинг «Газпромавиа» компаниясининг Москва-Нукус-Москва йўналиши бўйича қатновчи янги ҳаво рейси очилди. Эндиликда ҳар пайшанба кунини қатновчи рейсга яқинба кунига белгиланган яна бир ҳаво йўналиши қўшилди.
- Пахтабод туманида ўтказилган навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркасида асосий эътибор коллежлар қатнашчиларини иш билан таъминлашга қаратилди. Ярмарка давомида 99 та фермер хўжалиги, ташкилот ва корхоналар ёшларга 322 та иш ўрнини тақлиф этган бўлса, 305 нафар йигит-қиз турли йўналишлар бўйича ишга жойлаштирилди.
- Бухоро вилоятида жойлашган Газли қониди янги сикув-компрессор станцияси бунёд этилди. Бу «Ўзбекнефтьгаз» миллий ҳолдинг компаниясининг турдош корхоналарни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга йўналтирилган муҳим лойиҳаларидан биридир.
- Андижоннинг Шахрихон шаҳрида «Халқ табobati» деб номланган янги замонавий соғлиқни сақлаш маркази фаолият бошлади. Янги марказ замонавий лаборатория, энг сўнги технология ускуналари билан жиҳозланган диагностика ва даволаш хоналарига эга. Беморларнинг ушбу соғлиқни сақлаш муассасасида амбулатория шароитида даволаниши билан бирга, стационар тарзда соғлиқларини тиклашларига ҳам имкон яратилган.

## ЖАҲОНДА

- Европанинг етакчи давлатлари ва Буюк Британия молиявий инкирозга қарши курашиш мақсадида 1,5 триллион доллар миқдорда маблағ ажратилди.
- Молдова жорий йил охирига қадар Ирокдан ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кетишини маълум қилди.
- Кеча жаҳоннинг етакчи биржасида ўтказилган савдоларда нефть нархининг ошиши кузатилди. Жумладан, Лондонда ўтказилган савдоларда бир баррел нефтининг нархи 77,06 доллар, Нью-Йорк товар биржасида эса 81,16 доллар миқдорда қайд этилди.
- Исроилнинг «Авода» партияси Ц. Ливни бошқараётган ҳукумат таркибига киришга рози бўлди.
- Нобел кўмитаси тинчлик учун мукофотини Косово ўлкасининг мустақилликка эришиши йўлидаги хизматлари ва Африка қитъасида узоқ йиллар тинчлик учун курашиб келганини инобатга олиб Финляндиялик сиеёсатчи Марти Ахтисаарига лойиқ кўрди. Кеча эса глобал бозорларни ўрганиш борасидаги тadbиротлари учун АҚШлик олим Пол Круман иқтисодиёт борасидаги мукофот соҳиб бўлди.
- Швейцария мамлакатидида савдо нуқталаридан меламина моддаси мавжудлиги учун Осие мамлакатларидан келтирилган қандолат маҳсулотлари олинмоқда.
- Чеченистон Республикасида Рихтер шкаласи бўйича 5 балл атрофида кучли зилзила содир бўлди. Ер силкиниши оқибатида 2000 дан ортик турар жой ва кўплаб маъмурий бинолар зарар кўрди, 12 киши ҳаётдан кўз юмди, 100 дан ортик аҳоли турли даражадаги тан жароҳатларини олди.
- Япония пойтахти Токиода бўлиб ўтган Robo Jарап 2008 кўргазмасида муҳандислар янгидан янги такомиллашган робот қурилмаларини намойиш этишди.
- Австралиялик олимлар суратларнинг асл нусхасини сохтасидан ажратиш усулини яратдилар. Маълумотларга қараганда, бунинг учун расм тағига ўчириб бўлмайдиган ноёб кимёвий ёзув қўшилади. Мазкур усул рассомларга ижодий асарларини сохтлаштирувчилардан химоя қилишда қўл келади ҳамда санъатшунослар орасида учрайдиган мазкур долзарб муаммо ечимини ҳал қилиш имконини беради.
- Кеча Черногорияда ушбу мамлакатнинг Косово мустақиллигини тан олганлигига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишчиларнинг полициячилар билан тўқнашувлари чоғида 22 киши ярадор бўлди, ўнлаб намойишчилар ҳибсга олинди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Қўмита раиси Б.Парпиев бошқарган йиғилишда асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 сентябрь кўни бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинган 2009 йил учун республикамизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг кўзда тутилган асосий макроекономик қўрсаткичлари, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни лойиҳаси бўйича тақдим этилган тақдирлар моҳиятига қаратилади.

Таъкидлангани, 2009 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида солиқ сиёсатини ижтимоий ҳимоя нуктаи назаридан қўллаш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларни рағбатлантириш ҳамда уларга янада қўлайликлар яратиш мақсадида солиққа тортиш механизмининг содда-лаштириш, солиқ юкни босқичма-босқич пасайтириш боричини давом эттиришга алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, 2009 йилда солиқ имтиёзлари қўламини янада кенгайтириш борасида ҳам бир қатор тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқдаки, улар юртимизда ҳусусий тадбиркорлик ривожига янада кенг йўл очади.

Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш, инвестициялар жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган шарт-шароитлар янада яхшиланади. Хайъат йиғилишида мазкур тақдирларни солиқ тўловчилар, ишбилармон доиралар ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш юзасидан амалга оширилган тадбирлар белгилаб олинди.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга даромадлар тушумини қўрсаткичларини тўла бахариш, боқиманд ва ортиқча тўловларни қисқартириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилатганини тўғри баҳолаш билан бирга, прогност қўрсаткичлари баҳарилангани таъкидланди. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар — Пенсия жамғармаси, Республика йўли ва Мақтаб таълимини ривожлантириш жамғармалари оид қўрсаткичлар ҳам уқдаланди. Аммо Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида солиқ тўловчиларни тўлиқ қамраб олиш, ҳисоб-китоб ажратмаларнинг тўлиқ ўндирилишини таъминлаш, мажбур солиқ қардорлиги миқдорини қисқартириш ва солиқлар йиғилувчанлиги даражасини ошириш борасидаги ишлар талабга тўла жавоб беради.

Нақд пул маблағларининг банддан ташқари айланганини қисқартириш, пул муомаласини барқарорлаштириш ҳамда савдо ва пуллик хизмат кўрсатишдан тушумларнинг бандларга тўлиқ топширилиши борасидаги қарорлар ижроси юзасидан Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Андижон, Хоразм ва Навоий вилоятларида етарли ишлар қилинмаётганини айтиб ўтилди.

Хайъат йиғилишида Наманган, Сурхондарё вилоятлари солиқ хизмати органларидан содир этилган салбий ҳолатлар — порохўрлик, мансабни суиистеъмол қилиш, солиқ тўловлари ҳамда бошқа товар-моддий бойликларни ўзлаштириш каби жиноий хатти-ҳаракатларга таъдирли ҳаёти берилиб, тизим ҳодимларининг ўз ваколатлари доирасида ҳалол, пок ва масъуляат сезиб феолият юритишига эришиш учун лозим барча чоралар қўрилиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокама давомида ҳудудий солиқ органлари раҳбарларининг қўсботлари тингиланиб, камчиликларига йўл қўйган раҳбар ва масъул ҳодимларга нисбатан тегишли интизомий жаза чоралари қўрилади. Жорий йилнинг тўққиз ойи яқунлари бўйича жиддий нуқсонларга йўл қўйган ҳамда энг паст қўрсаткичларга эришган Тошкент вилоятининг Бўка тумани ва Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари эгалаб турган лавозимидан озод этилди.

Йиғилишда солиқ тизими олдига қўйилган долзарб вазифаларни самарали бажаришга оид тегишли қарорлар қабул қилинди. **Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири**

2008 — Ёшлар йили

ИҚТИДОР СОҲИБАЛАРИ ДОИМ ЎЗБОЗДА

ПОЙТАХТИМИЗДА "ЁШЛАР ЙИЛИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР РЕСПУБЛИКА АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. У ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИКЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ "КАМОЛ" ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИ КЕНГАШИ, "КЕЛАЖАК ОВОЗИ" ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИ, "ТАСВИРИЙ ОЙНА" ИҲОДИЙ УЮШМАСИ, БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Тадбир иштирокчилари Муस्ताқиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Муस्ताқиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, турли ижодий танловларнинг ғолибалари иштирок этди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маърупова, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси ўринбосари М.Рустамов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, унинг таълим-тарбияси, истиқболи ва камолоти йўлида ҳамхўрлик курсатиш борасидаги эзгу ишлар ўзининг ёрқин самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда навқирон авлод жамиятининг чинакам таъини ва суянчиға айланishi борасида қатор дастурлар ижро қилинган билан амалга оширилмоқда. "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя тизимларини тобора такомиллаштириш, ёш авлоднинг ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида тарбиялаш, маданият, санъат соҳалари билан бирга таълим, илм-фан йўналишида фаоллик кўрсатаётган истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни янгидан-янги ижодий парвозлар сари рағбатлантириш мўҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Бугунги кунда юртимизда ўнлаб қизлар Зулфия номи-

(Давоми.Боши 1-бетда).

Ҳафталик пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида Тошкент либослар уйи ва хорижий дизайнерларнинг моддалар кўргазмаси билан бошланди. Сержоло жохон модасининг ранг-баранглиги ҳамда мамлакатимиз иқтидорли ёшларининг серкерира истеъдоди намойишига айланган ушбу тадбир иштирокчилар, меҳмонлар ва томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди.

Дизайн ва мода ҳафталигининг очилиш маросимида мазкур тадбир қўламини йилдан-йилга кенгайтириб бораётгани, нафақат Ўзбекистон жамоатчилиги, балки хорижда ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани таъкидланди.

Бу йилги тадбирда «Sisi Wasabi» (Германия), «Wolford» (Австрия), «DSQUARED2» (Италия), «Revillon» ва «Guy Laroche» (Франция) каби жохонга машҳур мода уйлари, россиялик дизайнерлар Алёна Ахмадуллона ва Юлия Даллакян, Япониядан Норюо Сурикаба, ҳиндистонлик Сунит Варма, Пекиндаги либослар технологияси институти ўз коллекцияларини намойиш этмоқда. Ҳафталигининг фахрли меҳмонлари орасида кураторе Такада Кензо, маҳоратли фотосуратчи Андрэ Рау, рессом Михаэль Фукс ва бошқалар бор.

Ҳафталикда қатнашиш истагини билдираётган таникли меҳмонлар сони ва унинг ҳалқро нуфузи мунтазам ошиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, ўзбек санъати миллий аънава ва замонавий йўналишларни ўзида мужассам этган ўзига хос ва бетакрор услуби билан ажралаб туради. Мамлакатимиз дизайнерлари ўз ишларида аънаванавий матолар, шу жумладан, беқасам, шойи, хонатлас, зарбоф ва баҳамл газламалардан кенг фойдаланган ҳолда, уларни кашталар билан беэмоқда ҳамда шу тариқа ёрқин рангларга бой шарқона санъатнинг гўзал намуналарини яратмоқда. Модельерларимизга бу борда турли иختисосликлар вақиллари бўлган олимлар ёрдам бермоқда. Улар газламаларни чидамли, тоза ва ёрқин ранглар билан беэашининг қадимий услубларини тикламоқда ва янги-янги ғояларнинг пайдо бўлишига ҳусусиятларини сақлаш усулларини ишлаб

чиқмоқда, тўқимачилик маҳсулотлари, трикотаж ва шойи буюмлар ишлаб чиқаришни такомиллаштирмоқда.

Ўзбекистонлик дизайнерлар кўплаб халқаро мода кўргазмаларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Саида Амир, Умид Мўминова, Артём Дробильшев, Шерзод Отабоев, Гули каби ёш модельерларимизнинг ранг-баранг коллекциялари Франция, Хитой, Чехияда бўлиб ўтган мода ҳафталиклари, либослар фестиваллари ҳамда бошқа нуфузли танловларда мутахассислар ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Мамлакатимиз модельерларининг юксак маҳорати уларга ҳақиқий ноёб моделлар, санъат асарларини яратиш имконини бермоқда. "Style.Uz-

ТОШКЕНТДА «STYLE.UZ-2008» ДИЗАЙН ВА МОДА ҲАФТАЛИГИ ОЧИЛДИ

2008" ҳафталиги эса буни яна бир қарра тасдиқлади.

— Бизнинг Ўзбекистонда биринчи марта бўлишимиз, — дейди «Sisi Wasabi» (Германия) моддалар уйи асосчиларидан бири Анна Церлина фон дем Буше. — Очик айтишим керак, мамлакатимизга келишни, замонавий Тошкентни, XIX асрдаёқ буюк немис шоири Гёте ўз асарларида тилга олган асосанвий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ўз кўзимиз билан кўришни интиқлик билан кутдик. Қадимий маданиятнинг, жумладан, дизайн санъатининг хос ёрқин ранглар, бетакрор шарқона мезморчилик услублари ижодимизда янги-янги ғояларнинг пайдо бўлишига туртки беради, деб ишонаман.

Дизайн ва мода ҳафталигининг биринчи кунини испаниялик таникли хонанда Хулио Иглесиаснинг Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида бўлиб ўтган концерти билан яқунланди.

— "Style.Uz-2008" дизайни ва мода ҳафталиги бутун дунё эътиборини Ўзбекистонга қаратадиган яна бир улкан маданий воқеа бўлди, — дейди Хулио Иглесиас. — Бироқ, мамлакатимизда мени Ўзбекистонликлар-

нинг самимийлиги, меҳмондўстлиги кўпроқ ҳайратга солди. Мен бир қанча давлатларда бўлиб, турли халқлар ҳаёти билан танишар эканман, одамларни бирлаштириб турадиган энг асосий нарсаси — ба маънавият, маданият ва санъат эканига қатъий ишонч ҳосил қилдим. Ўзбекистонда бундай қадриятлар ниҳоятда эъзозланаётганига гувоҳ бўлдим.

Ҳафталик дастуридан кўплаб қизиқарли тадбирлар ўрин олган. Ҳафталигининг асосий тадбирлари Ёшлар ижод саройида ўтказилди. Бу ерда ташкил этилган кенг қўламли дизайн ва мода кўргазмаси бир ҳафта давом этади. Унда мамлакатимиз тўқимачилик санъати ангилликлари, таникли ва ёш дизайнерлар томонидан яратилган матолар, либослар, пойабзал, жиҳозлар, интёрер ва веб-дизайни беэаш соҳасида синаб кўрилатган ва қўлланаётган ишлар акс этган. Томошабинлар жохон модаси ривожидagi энг илгор йўналишлар билан танишиш имконига эга бўладилар. Бундан ташқари, Ёшлар ижод саройида хорижий дизайнерлар ва услубчилар иштирокида маҳорат дарслари ташкил этилган. Ёш ўзбек модельерларининг «Underground» коллекциялари намойиши, республикамиз олий ўқув юртлири талабалари томонидан бажарилган графика ишлари ва фотосуратлар танлови, мода санъати ютуқлари, «Бир асрдан сўнг, илк маротаба» деб номланган нодир буюмлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, пойтахтимизнинг бошқа майдонларида либос ва таомлар кечалари, турли тақдирот маросимларини ўтказиши мўлжалланмоқда.

"Style.Uz-2008" дизайни ва мода ҳафталигининг ўтказилиши Ўзбекистонда аънаванавий ва замонавий санъатнинг барча турларини, жумладан, дизайн ва модани ривожлантириш борасида яна бир мўҳим қадам бўлади, халқимизнинг ушбу соҳадаги ютуқларини кенг тарғиб этиш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилади.

А.ИВАНОВА, ЎЗА мухбири

СЎЗ — «STYLE.UZ-2008» ИШТИРОКЧИЛАРИГА

ПОЙТАХТИМИЗДА 12 ОКТЯБРЬ КУНИ «STYLE.UZ-2008» ДИЗАЙН ВА МОДА ҲАФТАЛИГИ ОЧИЛДИ. «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМГАРМАСИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ЛИБОСЛАР УЙИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР АНЖУМАНДА ЎЗБЕКИСТОН, РОССИЯ, АВСТРИЯ, ГЕРМАНИЯ, ИСРОИЛ, ҲИНДИСТОН, ИТАЛИЯ, ХИТОЙ, ЯПОНИЯ, ФРАНЦИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ ВА ЛАТВИЯДАН МОДА СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН ЙИРИК ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВАҚИЛЛАРИ, ТАНИКЛИ МОДЕЛЬЕР-ДИЗАЙНЕРЛАР, СТИЛИСТЛАР, МАШҲУР ЗАРГАРЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ ЛИБОСЛАР УЙЛАРИ ЭГАЛАРИ, ШОУ-БИЗНЕС ЮЛДУЗЛАРИ, ХАЛҚАРО МОДА ЖУРНАЛЛАРИ МУҲАРРИРАРИ, ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ ИШТИРОК ЭТМОҚДА. ЎЗА МУХБИРЛАРИ УЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ БИЛАН СЎХБАТДА БЎЛДИ.

Чу ЯН, Пекин либос технологиялари институти мутахассиси (Хитой):

— Аввало, ҳафталик юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Биз ўз коллекциямиз билан ушбу нуфузли тадбирда иштирок этаётганимиздан гўят бахтиёримиз. Тўғри, мамлакатимизда Хитой халқининг миллий урф-одатлари ва аънаваларини мужассам этишга ҳаракат қилдик.

Шу кунларда пойтахтимиздаги қатор музей ва тасвирий санъат галереяларида бўлдим. Бой тарихингизни акс эттирган экспонатлар, қадимий-миллий либослар мени ҳайратга солди. Тошкент ва Бухородаги кўп асарлардан буюн ўз тароватини сақлаб келаётган тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни, замонавий ишчиюшларни томоша қилиб, баҳри дилим очилди.

Ҳафталик мамлакатимизда мода ва дизайн соҳасида эришилган ютуқлардан жамоатчиликни кенг баҳардор этиш, хорижий давлатларнинг модельер ва дизайнерлари билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, мазкур йўналишдаги халқаро ҳамкорлик истиқболларини белгилаб олишда мўҳим аҳамиятга эга. **Алёна АХМАДУЛЛОНА, модельер-дизайнер (Россия):**

— Ўзбекистон мода ва дизайн соҳасининг истиқболи порлоқ. Юртингизнинг миллий либос санъати бой тарих ва аънаваларга эга. Мода ва дизайн ҳафталиги кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Унинг юксак савияда ташкил этилгани, ранг-баранг йўналишлари, миллий ва замонавий мода услубларини ўзида мужассам этгани кишини лол қолдиради. Ушбу тадбир ўзбекистонлик ёш дизайнерларнинг изла-ниш ва интиқлигининг истиқболли порлоқ эканини яна бир бор намойиш этмоқда.

Бундай гўзал тадбирда ўз коллекция билан иштирок этиш имконига эга бўлганимдан беҳад мамнунман. Коллекцияда қузғи ва қишки мавсумга оид либосларни жамлашга ҳаракат қилдим. Умид қиламанки, у кўпчиликда яхши таассурот қолдиради. Ҳафталик нафақат фикр ва тажриба алмашиш, балки янги-янги ижодий ғояларнинг туғилиши, истеъдодларнинг кашф этилишида мўҳим аҳамиятга эга.

Болалигимдан Тошкентга келишни орзу қилардим. Орсзуим ушлаганидан ҳурсандман.

**Норюо СУРИКАБЕ, дизайнер (Япония):**

— Ўзбекистонда ўтказилаётган мода ва дизайн ҳафталигида қатнашиш тақлифини мамнуният билан қабул қилдим. Юртингизда миллий либосларни тайёрлаш юксак санъат даражасига кўтарилганининг гувоҳи бўлдим. Кўплаб мамлакатларда ўтказилган моддалар намойишида қатнашганман, бироқ Ўзбекистондаги ушбу тадбир юксак савияда ташкил этилгани, либосларнинг хилма-хиллиги, сержололиги, ранглар уйғунлиги мени жуда ҳаяжонга солди.

Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Бу ерда одамлар, айниқса, хотин-қизларнинг алоҳида назокат ва дид билан кийинишининг гувоҳи бўлдим. Бу мамлакатимизда халқ фаровонлиги юксалиб бораётганидан далолатдир.

**Хуан ЛАПОРТА, «Барселона» футбол клуби президенти (Испания):**

— "Style.Uz-2008" дизайни ва мода ҳафталиги кўтаринки руҳда ва ажойиб тарзда ўтмоқда. Мазкур нуфузли анжуман турли мамлакатлардан келган ёш дизайнерларга ўз истеъдодини намойиш этиш, либослар дизайнини соҳасидаги янгиликларга мутахассислар эътиборини жалб қилиш имконини бермоқда. Ушбу тадбир ўзбек халқига хос либослар, матолар ва дизайн-лиқнинг серкерира ёндашувларини яна бир қарра намойиш этди.

Бугунги кунда мода соҳасининг нуфузи ошиб бормоқда. Шунини ишонч билан айтмоқчиманки, Ўзбекистон мода ва дизайн соҳасининг равнақ топиши бўйича дунёда етакчи давлатлар орасида мустаҳкам қай олган. Чунки юртингизда ушбу соҳани ривожлантириш учун барча зарур омишлар — иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, ажойиб ғоялар мавжуд. Энг мўҳими, бу заминда юксак фазилатли, сурати ва сийрати гўзал инсонлар яшайди.

**ЎЗА мухбирилари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.**

ПОЙТАХТИМИЗДА АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИЯ ИСТИҚБОЛИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ПЕДАГОГ-МУРАБИЙЛАР, ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МУТАСАДДИЛАРИ, ПСИХОЛОГ-ОЛИМЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИЯ ИСТИҚБОЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ф.Шоумаров, Республика "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари В.Каримова ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилаётган таълимни ривожлантириш миллий стратегияси замирида ёш авлодга билим беришни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксалтириш, такомиллаштиришдек эзгу мақсадлар мужассам эканини таъкидладилар. Бунда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури мўҳим омили бўлмоқда. Соҳада олиб борилаётган ислохотлар узвийлиги, босқичма-босқичлиги, халқимизнинг миллий фазилатларига монандлиги, таълим ва тарбиянинг уйғунлиги билан аҳамиятлидир.

Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришига таъсир этувчи омишларни аниқлаш, интеллектуал-психологик ҳусусиятларини ўрганиш, педагогик жамоада психологик қўникмаларни тарғиб этиш — мактабларимизда иш юритаётган амалиётчи психологларнинг асосий вазифаларидандир. Ёшларга маънавий қўмак бериш, уларнинг қобилияти ва қизиқшини аниқлаб, муайян касб-ҳунарга йўналтиришда психологларнинг хизмати катта.

Анжуманда мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлигини янада кучайтириш, психолог олимлар, педагоглар, таълим тизимининг ўзаро тажриба алмашишнинг кенг йўлга қўйиш, илгор иш услубларини омаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Амалий психологлар тайёрлашнинг долзарб масалалари, оила психологиясининг назарий ва амалий жиҳатлари, психолог хизматини ташкил қилишининг айрим илмий-амалий жиҳатларига бағишланган мазрузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Назоқат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири



ШВАРЦЕНЕГТЕР РАССОМ ҲАММИ?

Жохон кино санъати ривожига катта ҳисса қўшган Голливуд актёрларидан Шварценеггер катта сиёсатдон эканини ҳам биланман — у АКШ Калифорния штати губернатори сифатида ҳам фаолият юритиб, яхшигина сиёсий арбоб сифатида танилди. Унинг яна бир хоббиси бор экан, деб эшитдим. Шу ҳақда хабар берсангиз...

Солижон Раҳимов, Собир Раҳимов тумани.

WWW.AIF.RU интернет сайти маълумотига кўра, "Темир Арни" (муҳлислари уни шундай аташади) машҳур Голливуд киноактёри, катта штат губернатори бўлиш билан бирга, олдий инсон сифатида ўз хоббисига ҳам эга экани табиий. Унинг ўзи эътироф этишича, ҳозиргача у бутун бошли бир кўргазмага етадиган микродола табрик оқриқаларини чизиб улгурган.

Бундай расмларни у асосан оила аъзолари учун чизар экан.

— Мен ўзим чизган оқриқаларимни умр йўлдошим ва болаларимга тақдим этаман, — дейди Арнольд Шварценеггер журналистларга берган интервьюларидан бирида. — Чизгиларимни рафиқам Мария ва тўрт фарзандимга ҳар турли байрамлар муносабати билан ҳада этиб бораман.

Албатта, санъаткор хонадониди байрамлар кўп. Чунки оила каттагина, бундан ташқари умумий байрамлар, касбга оид, оилавий байрамлар — ҳуллас, расм чизиш ва ҳада этиш учун баҳонайи-сабаблар оз эмас. Шунинг учун ҳам Арнольд яратган оқриқаларни тўғласа, бемалол кўргазма очиб мумкин.

Нима ҳам дердик — санъаткор ва давлат арбоби А. Шварценеггерга севимли хоббиси расомлик бобиди ҳам омад тилаб қоламиз.

ҚУШЛАР МУСОБАҚАСИДА ҲАМ ТЕСТЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

Англияда каптарларнинг катта мусобақалари ўтказиларкан. Ўша мусобақаларда ҳам допинг-тестлар ўтказилармиш. Наҳотки кушларга ҳам допинг ишлатиша?..

Зиёдулла Файзиев, Юнусобод тумани.

Би Би Си агентлиги мухбирлари бу ҳақда кўп ёзишган. Уларнинг гувоҳлик беришларича, инглизлар каптарлар пойгасининг ашаддий ишқибозлари экан. Мамлакатда нақ 50 минг киши каптарвоз бўлиб, улар ҳар йили мусобақаларга миллионга яқин қушларни энг узоқ масофага ва энг тез учиб бўйича беллашувга чиқаришади.

Спортнинг бу турида ҳам жуда катта пул айлангани, айниқса пойгалар вақтида энг юқори чўққисига эришади. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда бу ерда ҳам қонун бузилишлари қузатилган бошланган. Баъзи нопок каптарвозлар мусобақада ғолиб қишиш учун худди одамлар ўртасидаги катта спортдагидек иш тутишга ҳаракат қилишади.

Улар ўз каптарлари энг тез, энг балинд ва узоқ масофага учини учун кушларга стероидлар, анаболиклар ва синтетик гормонлардан уқол қилишаркан. Бундай уқоллар билан қувватлантирилган каптарлар қарийб ёруғлик тезлигида парвоз қилиб, чарчаш нималигини билмас экан.

Иш шу даражага бориб етганки, каптар пойгалари бўйича Қироллик ассоциацияси 60 дан ортиқ мусобақа ташкилотчиларига допинг-тест уқуналарини юборишга мажбур бўлган. Ҳар бир каптарни допинг-тестдан ўтказиш тадбири 52 фунт-стерлингга тушиб, бу пулни каптар эгаси эмас, вақил ҳисобланган ташкилот тўлайди.

Спортнинг бошқа турларидаги каби каптарлар пойгасида ҳам бир гуруҳ қондабузар каптар эгалари бўлиб, улар кўплаб ишқибозлар пойгадан оладиган шавқ-завқни йўққа чиқариб, муҳлислар қайфиятини тушириб юборишади, — деб нолийди каптар пойгалари бўйича Қироллик ассоциациясининг бош менежери Питер Брайан. — Шунинг учун мусобақачи каптар эгаларидан қайсилари ҳалолу, қайсилари ғирром эканини аниқлашнинг бирдан-бир йўли каптарларни допинг-тестдан ўтказишдан иборат — бошқа иложи йўқ...

ШИФОКОРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

Ҳомилам уч ойдан ошди. Ҳафтагиса камида 2-3 марта бошим қаттиқ оғриб, безовта қилади. Ҳомиламга зарар келтирмайдиган қандай дори-дармонлардан фойдалансам бўлади?

Шоҳсанам Жабборов, Олий тоифали шифокор З. Садриддинов жавоб беради:

Ҳомиладорлик даврида дори-дармонларни тайинлаш ишига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш кераклигини ҳисобга олиб, биринчи навбатда бош оғриги (мигрень)ни келтириб чиқарадиган омишларга алоҳида эътибор қилиш зарур бўлади. Бу омишлар нималардан иборат?



Тамаки чекиш, стрессли вазиятлар, чала уйқулик ёки аксинча ортиқча уйқунлилик, егуликлардан шоколад, ёнғок, пишлоқлар, чала дулланган ёки дулланган қолбасаларга ружу қ



Tashkent-challenger-2008

МУСТАҲҚАМ ПОЙДЕВОРГА ЭГА ЯНГИ ТУРНИР

КЕЧА ШАҲРИМИЗДА ИЛК БОР «TASHKENT-CHALLENGER» АТР — ПРОФЕССИОНАЛ ТЕННИСЧИЛАР УЮШМАСИ МАҚОМИ ОСТИДАГИ ЭРКАКЛАР ҲАТТИДАГИ ТУРНИРГА СТАРТ БЕРИЛДИ.



Ильмира ШАРАФУТДИНОВА СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БҮСТОНИ

АБУСАИД АБУЛХАЙР

ҲИҚМАТЛАР

Илм бирла амал агар баробар бўлмай, Ҳар икки жаҳон сенга муяссар бўлмай. Ул аҳфани мақтанма, хатм этдим деб, Қайтар у варақ ортига, дафтар бўлмай.

Гар икки жаҳон розилигин истарсан, Ҳеч битта мусулмон дилини ранжитма.

Сўз гар узун эрса, мухтасар этмак шарт, Фейл-хўйи ёмон ёрдан ҳазар этмак шарт.

Осон неча минг қаъбани обод айлаш, Мушкул вале бир кимса дилин шод айлаш.

Лутф ила бор озодни қул этмоқ мушкул, Осон вале мингта қулни озод айлаш.

Билгилки, тириклик бир умр дўст ила хуш, Кўп эрса-да жабри, бирибири, дўст ула хуш. Дерлар тилагинг беҳиштли,

дўст дийдори? Гофилдир улар, бегишт, ахир, дўст ила хуш!

Сармоясин инсон умрининг бир нафас-ей, Бўлсин шу нафасда махраминг ҳамнафас-ей, Ултирсанг агар шу ҳамнафас-ла бир нафас, Мазмуни ҳаётнинг худди шу бир нафас-ей.

Ўхшайди қумуш кўзага асли бу жаҳон, Гоҳ суви ширин-у, гоҳи аччиқдир, аён. Умрим мана мунча, дуб гурурланма сира. Ҳар лаҳза ажал оти эгарлоқ бегумон.

БОБО ТОҲИР

Муҳаббатсиз кўнгилнинг сўлгани соз! Кишининг дарди йўқми — ўлгани соз! Бу ишқ йўлида собит бўлмаган тан Куйиб оташ аро қул бўлгани соз!

Кел, эй кўнгил, кел, эй дўсти қадрдон, Ул ишни қилмаки, сўнгги пушаймон. Бу тушқун, қайғули кунлар-да ўтгай, Сурармиз биз-да давронлар беармон.

Кийиб бўз тўнни, белга боғладим шол, Кўриб мағрурлигим қолсин фалак лол. Кезай бошдан-оёқ бу бахру барни, Ажабмас, қулса бахт, ўнгансан аҳвол.

Азизлар қошига қандоқ етарсан? Сабаб: фойда-зиёнинг билмасдан сен!

Етар, боғбон, бас айла гул экишни, Етар, кўй гул учун захмат чекишни. Агар гулнинг вафоси шу бўларкан, Гул ўрнига тикан эк — қил шу ишни!

Бу кун яшнаб ётар боғу тоғу дашт, Бўлинг хуррам бу ерларда суриб гашт. Жуда чексиз — уфқларга туташган Ўшал боғу ўшал тоғу ўшал дашт.

Агар дил розини ким элга очса, У бир девонадир ёхуд паришон.

Пушаймонмиз, пушаймонмиз, пушаймон, Пушаймонликда олислайди карвон. Вафо қилмаса-да ҳеч кимга дунё, Мудом миннатини тортади инсон.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 223-мактаб томонидан 2001 йилда Аллақуллова Камола Садреддиновна номига берилган № 64 рўйхат рақамли, 0900236 сонли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Буюртма Г - 906

Мусобақалар бошланиши олди-дан ўтказилган матбуот анжуманида ташкилотчилар «Tashkent-challenger-2008»нинг яна бир аҳамиятли томонига эътибор қаратиб ўтдилар. Гап шундаки, бошқа минтақаларда ўтказиладиган турнирлардан фарқли равишда, Тошкент челленжерининг мукофот жағфармаси энг катта — 125 минг АҚШ долларини ташкил этиши дунёнинг биринчи юзталигига кирган кучли теннисчиларни, жумладан Тайпей, Германия ва Исроил давлатларининг катта ракетка усталарини жалб этишга асос бўлди. Шуниси ҳам эътиборлики, дунёда 70-погонани эгаллаган исроиллик Дуди Сена аввалдан турнирга келишини хабардор қилмаган бўлишига қарамастан, «Tashkent-challenger» ташкилотчиларининг вайлд кард — ишонч йўлланмаси бўйича асосий жадавалга киритилди.

Шундай имконият ҳамюртларимиздан Фаррух Дўстов, Мурод Иноят ва Важа Узоқовга ҳам берилди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, республикамиз жамоасини бошқараётган Денис Истомина ўз имконияти бўйича (115-погонани эгаллаган) сараланган теннисчилар қаторидан ўрин олди.

Шу билан бирга, катта ишонч билдирилгани ҳолда 10 нафар

Ўзбекистонлик умидли теннисчиларга турнирнинг саралаш босқичларида қатнашиш шароити яратилди. Шаҳар ҳокими ўринбосари Низомиддин Бахтиёров таъкидлаганидек, республикамизда профессионал теннисни ривожлантириш, етакчи спортчилар сафини кенгайтириш мақсадида муносиб шогирдларни етиштиришга йўналтирилган кўплаб савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби фаолият бошлагани ва айни пайтда унинг негизда «Tashkent-challenger» мусобақаси ўтказилаётгани мантиқий асосга эгадир.

Турнир директори Шурунгам Утрапати Ўзбекистон нуфузли доирадаги мусобақаларни ўтказишдан келиб чиқиб, биринчи марта ташкил этилаётган «Tashkent-challenger» турнирининг ҳам юқори даражада ўтказилишига ишонч билдирди. Қолаверса, Тошкент челленжерига 20 дан зиёд мамлакат вакиллари қатнашаётгани ҳам бу фикрнинг ёрқин исботидир.

Ҳазонларни ёқманг

МУСАФФО ҲАВОДАН НАФАС ОЛАЙЛИК

ҲОЗИРГИ ҲАЗОНРЕЗГИ ДАВРДА ҲАЗОНЛАРНИНГ ЁҚИЛИШИ АТМОСФЕРА ҲАВОСИ, УМУМАН АТРОФ-МУҲИТНИ ИФЛОСЛАНТИРАДИ, ШУНИНГДЕК АҲОЛИ ҲАЗОНЛАР НАФАС ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КУЧАЙИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ.

ассасаларида рейдлар ўтказиш ҳамда тушунтириш ишлари олиб бориш кераклигини таъкидлаб ўтдилар. Бу борада албатта бир қатор қонунлар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг «Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш», «Чикиндилар тўғрисида», «Давлат санитария назорати тўғрисида» ва бошқа қонунлар моддаларининг бузилиши кузатилаётганини қайд этиб ўтдилар. Шу муносабат билан анжуманда ҳазонлар ёқилиши оқибатида кузатилаётган қонунбузарчиликларнинг олдини олиш, бунга жавобгар бўлган шахслар ва ташкилотларга нисбатан қонун доирасида зарур

чоралар кўришни кучайтириш тавсия қилинди ва чора-тадбирлар дастурига қўшилди. Бундан ташқари жамоат рейдларини ташкил қилиш, мактаблар, олий ўқув юрталари ҳудудларида тушунтириш ишларини олиб бориш, бунга талабалардан ташкил топан санитар-экологик отрядларни жалб қилиш тадбирларини мунтазам амалга ошириш кераклиги назарда тутилди.

Шу билан бирга маҳаллаларда, таълим муассасаларида ёшлар эконопарламенти аъзолари, «Экосан», «Маҳалла», «Нуроний» жағфармалари фаоллари, санитария милицияси, коммунал хизмати ходимлари иштирокида

«Кузги ҳазонрезги даврида экология ва саломатлик масалалари» мавзусида учрашувлар ташкил қилишга келиши олинди. Давра суҳбати иштирокчилари «Экология ва саломатлик кунлари»нинг 3-босқичи доирасида ҳазонлар ёқилишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида тўплаш ва олиб чиқиб кетишни таъминлаш мақсадида ҳазонлар ва бошқа экологик акциялар ташкил қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Анжуман сўнгида ушбу мавзуга оид фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди, келгусида қилинадиган ишлар режалаштирилди.

Дилором ИКРОМОВА

ЁНГИН ҲАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА — ЧОРА ТАДБИРЛАР

Ҳаво ҳарорати пассивши билан аҳолининг иссиқлик энергиясига бўлган талаби ҳам ортади. Газ ҳамда электр энергиясидан тўғри фойдаланишда фуқаролар ҳушёрроқ ва эътиборлироқ бўлишлари зарур. Чунки, турли электр иситкичлар ҳамда газдан ноқонуний фойдаланиш, талаб меъёрларига амал қилмаслик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу борада мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларини кузги-қишги мавсумга тайёрлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан Республика Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан аниқ режа асосида иш олиб борилмоқда. Халқ мулкни ёнгиндан асрашда соҳа ходимларининг малакасини замон талабларидан келиб чиқиб ошириб бориш зарур.

Шу боис уларни доимий равишда жисмоний жиҳатдан чинкиришни мақсадида Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан турли амалий машғулотлар ўтказилаётир. Ёнгинга қарши курашиш, унинг олдини олиш, ташвиқот-тарғибот ишларини мунтазам олиб бориш Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармасининг олдида турган асосий вазифа ҳисобланади. Шу боис соҳани янада такомиллаштириш,

техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш йўналишларида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Эҳтиётсизлик, беларолик тўғрисида олов тилсиз ёвга айланиб, кўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқиши ҳеч кимга сир эмас. Бундай пайтда хушёрликни ошириш билан бирга аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кенгайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг «2008-2009 йил кузги-қишги мавсумга тайёрларлик қириш ишлари»га қаратилган қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли турар жой бинолари, корхона ва ташкилотлар, ўқув ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, содир бўлаётган ёнгинларнинг саксон беш фоизи аҳоли яшаш жойларида

газ ва электр энергиясидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларининг бузилиши натижасида юзага келган. Республика Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари фуқароларни шу каби ҳолатлардан асраш, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган ўта муҳим объектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида муайян ишларни амалга ошираётир. Жумладан, Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси «Ўзбекэнергия» ҳамда «Ўзбек нефтегаз миллий холдинг» компанияси ҳамкорлигида махсус режа ишлаб чиқилган. Унга кўра жойларда икки юз қирқ бешта гуруҳлар тузилган. Бу гуруҳлар томонидан ҳозирга келиб ўн саккиз мингта яқин рейдлар ўтказилди.

Айни кунларда республика миқёсида «Узтрансгаз» акциядорлик компанияси ҳамкорлигида маҳаллаларда, аҳоли яшаш

жойлари ҳамда корхоналарда махсус тадбирлар ўтказилмоқда. Асосий эътибор фуқаролар томонидан табиий газ ва электр энергиясидан оқилна фойдаланиш, содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш масалаларига қаратилмоқда. Албатта бундай масъулиятли вазифани бажаришда соҳа ходимларидан юқори малака талаб этилади. Шу мақсадда Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари томонидан мунтазам равишда касб кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилган амалий машғулотлар, спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Бу факулдада ҳолатларда ёнгин содир бўлганда воқеа жойига зудлик билан етиб бориб, вазиятга тўғри баҳо бериб, тезкор ҳаракат қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»



Сўзсиз сурат Абдурашул Ҳақимов чизган расм

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

15 ОКТАБРЬ, ЧОРШАНБА

Бугунги кун рамзи бир бош узум бўлиб, у ҳосилдорлик, мўл-кўлчиликдан дарак беради. Аммо бугунги кунга, мунажжимлар таъкидига кўра, бирон нарсани қатий белгиласан, режалаштириш мумкин эмас - ўйлаганингизнинг бутунлай тескарсиси бўлиб чиқиши мумкин.

Бугун ҳокимият вакиллари билан боғлиқ ҳаракатларни бошлаш, никоҳ ришталарини боғлаш, қиммат-баҳо тошлар билан безатилган тақинчоқлар тақиш, уй-жойлар ва ер билан боғлиқ амалиётлар, берилган ваъдаларни бажариш, янги лавозимга киришиш ҳайрли бўлиши қутилади. Юовш ва камтар бўлинг, мансабга интилишларингизни бугунча ўз холига қўйиб туринг.

Кун давомида юқори нафас йўллари ва ўпкани даволаш самарали бўлади. Томоқдаги ангинани, аденоидларни олдириш бўйича жарроҳлик операциялари, гайморитни даволаш муваффақиятли кечиси қутилади. Ҳаммомга, айниқса сауна ёки рус Ҳаммомининг буғхонасига тушиш фойдалиди. Кучли таъсир этувчи дори-дармонларни суистеъмол қилиш ярамайди.

Тушларингиз моддий аҳволингизни барқарорлаштиришга бўлган уринишларингиз беҳуда кетишидан огоҳлантиради. Айни пайтда улар ташвишларингиздан халос этиши, баъзи касалликларингизга малҳам бўлиши ҳам мумкин.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3298 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлинмалари ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6